

Ғийбатнинг сабаблари ва ундан қутулиш учун муолажалар (7-қисм)



17:59 / 30.05.2018 2844

4. Ибодатнинг кўплигига такаббурлик қилиш ва унинг муолажаси.

Кибрнинг бу турига мубтало бўлган киши ўз яхшиликларидан фахрланади. Ибодатнинг кўплиги сабабидан ўзини аброр ва тақводорлардан, ҳатто аҳли жаннатлардан деб санайди. Ибодат қилмайдиган ёки кам ибодат қиладиган кишиларни аҳли дўзах деб ёки ҳеч бўлмаганда ёмон одам деб ҳаёл қилади ва уларни ғийбат қилади.

Биринчи муолажа. Инсоннинг нафси фақат кўп ибодат қилиш билан олий даражада покланмайди. Кўринишда инсонда яхшиликлар пайдо бўлаётганга ўхшагани билан, ички оламининг гўзаллиги ибодатнинг ўзи билан намоён бўлмайди. Эҳтимол, қалбларни ўзгартирувчи Зот охирда унинг қалбини бирор ножўя амали сабабли ибодатдан бошқа томонга буриб юборар? Ибодатнинг камлиги билан кишининг ёмонлиги собит бўлмайди. Эҳтимол, ўша ибодати кам одам нажот топиб, тўғри жаннатга борар. Зеро, ҳаёти давомида фисқу фужурга мубтало бўлган жуда кўп одамлар ўлаётган вақтида азалий ҳидояти қайта ҳаракатга келади-ю, тавба қилиб, Аллоҳ таоло ҳузурига пок ва мусаффо ҳолда боради.

Ҳикоя. Басра яқинидаги қишлоқлардан бирида умрини фасод (бузғунчилик) билан ўтказган бир киши вафот этди. У ўта фосиқ бўлгани

боис қўшниларида бирортаси унинг ўлимида хабар топмади. Аёли унинг жанозасини кўтаришга ёрдам берадиган киши топа олмагани учун икки ҳаммолни ижарага олди. Маййитни жаноза ўқиладиган жойга олиб бордилар, лекин бирорта одам унга жаноза ўқимади. Сўнг дафн қилиш учун уни саҳрога олиб бордилар. Саҳронинг яқинида бир тоғ бор бўлиб, у ерда улуғ зоҳидлардан бири яшар эди. Аёл қараса, ўша зоҳид тоғдан тушиб, гўё жаноза ўқишга мунтазирдек кутиб турган экан. Зоҳид фалончига жаноза ўқимоқчи экан деган хабар шаҳарга тарқагач, тамоми халқ намоз учун жам бўлдилар. Одамлар зоҳиднинг бу намозидан таажжубга тушдилар. Шунда зоҳид айтди: «Менга тушимда: «Фалон жойга тушсанг, фақат бир аёл билан келаётган маййитни кўрасан, унга жаноза намозини ўқи, чунки у мағфират қилинган», дейилди». Буни эшитиб одамларнинг ҳайрати яна ортди. Зоҳид аёлни чақириб, ундан эрининг ҳолати ва сийрати ҳақида сўраган эди, аёл: «Ҳамма билганидек, у ҳамиша майхонада хамр ичиш билан машғул эди», деди. Зоҳид: «Эслаб кўр-чи, яхши амалларидан бирор нарсани биласанми?» деб сўради.

Аёл шундай жавоб қайтарди: «Ҳа, унда учта яхшилик бор эди. Биринчиси – эрталаб кайфи тарқагач, кийимларини алмаштириб, таҳорат қилар, сўнг бомдод намозини жамоат билан ўқир эди. Кейин яна майхонага бориб, гуноҳга машғул бўларди. Иккинчиси шуки, ҳамиша уйида бир-иккита етим сақлар, уларга ўз болаларидан ҳам кўпроқ яхшилик қилар эди. Учтинчиси – мастлик асносида тун қоронғисида уйғониб кетиб, йиғлар ва ўзига ишора қилиб: «Роббим, бу ифлос билан жаҳаннам бурчакларидан қайси бурчакни тўлдирмоқчисан», дер эди». Бу гапни эшитиб, зоҳиднинг қалбидаги мушкул масала ечилди. У уйига қайтиб кетди.

Ҳикоя. Бир солиҳ йигит тушида обиднинг жаҳаннамга, подшоҳнинг эса жаннатга киритилганини кўриб, одамлардан бунинг сабабини сўрабди. Одамларнинг айтишича, обид ниҳоятда кўп ибодат қилар, лекин унинг бир айби бор эди. У подшоҳлар билан кўп гаплашарди, яъни қалбида дунё муҳаббати ёлиб эди. Шу иши уни жаҳаннамга олиб борди. Подшоҳ эса золим эди. Лекин унинг ақийдаси жуда яхши бўлиб, дарвешларга муҳаббати бор эди. Унинг шу иши Аллоҳ таолога ёқиб, уни кечирди ва жаннатга киритди.

Хулосаи калом шуки, нажот топиш фақат зоҳирий ибодатга боғлиқ эмас, чунки гоҳида ҳол билан муомала тескари бўлиб қолади. Бир одам ҳамиша қўлида тасбеҳ ушлаб, ямоқ кийимларни кийиб юрса, бу унинг жаннатий эканини билдирмайди. Барча ёмонликлардан сақланган, тоқати етгунча

каттаю кичик гуноҳлардан парҳез қилган одамгина жаннатга эришиши мумкин.

Саъдий раҳимахуллоҳ «Гулистон»да айтади:

Далқат ба чи кор ояду тасбеҳу мураққаъ,

Худро зи амалҳоя никўҳида барий дор.

Назмий маъноси:

Не фойда етар сенга чакмон, тасбеҳ, ямоқдан?

Сен ўзни мудом пок тут ёмон феълу гуноҳдан.

Насрий баёни: *Сенинг жунли чопонинг, тасбеҳинг ва ямоқли кўйлагинг нима фойда беради? Сен ўзингни ёмон ишлардан соф тутгин, мана шу сенга фойда беради.*

Худди шунингдек, бир одамнинг ҳамиша гуноҳ қилиши унинг бутунлай ёмонлигини билдирмайди. Унинг кичкинагина бир ибодати Аллоҳ таолога ёқиши ва шу сабабли унинг гуноҳларини кечириб юбориши мумкин. Шундай экан, ибодат сабабли ўзини яхши, бошқаларни эса ёмон санаб, ғийбат қилиш ҳаддан ташқари ярамас ва ёмон ишдир.

Иккинчи муолажа. Доимо ибодат қиладиган киши ўз ибодатидан фахрланмаслиги, бошқаларни дўзахий деб ўйлаб, ғийбат қилмаслиги, шарманда қилмаслиги лозим. Балки бунинг ўрнига ҳаммада ҳам гуноҳ бор, пайғамбарлардан ташқари бирор киши маъсум (беғуноҳ) эмас деб билиши керак. Ўзи ҳам гоҳ-гоҳида гуноҳ қилиб турадиган одам нима учун бошқаларни маломат қилиши керак?!

Ҳикоя. Умар ибн Заррнинг қўшниларида бири вафот этди. Вафот этган бу киши ўз нафсига зулм қилувчи фосиқ эди. Шу сабабли аксар одамлар ўзларини унинг жанозасидан четга олдилар. Лекин Ибн Зарр жанозага ҳозир бўлиб, намозни адо этди. Маййит дафн этилгач, у қабр ёнида туриб, шундай деди: «Эй Абу Фулон, Аллоҳ сенга раҳм қилсин. Сен тамом умрингни тавҳид билан ўтказдинг. Юзингни сажда билан чанг қилдинг.

Агар одамлар сени гуноҳкор ва хатокор дейдиган бўлсалар, у ҳолда айтсинлар-чи, ичимизда гуноҳ қилмаган ким бор экан?»

Учинчи сабаб: ҳамсуҳбатларга мувофиқ бўлиш.

Киши ўз дўстларининг чақ-чақлашиб, одамларни ғийбат қилиб ўтирганини кўрса ёки эшитса, ўзининг кўнгли ҳам ўша ўтиришга бориб, уларга қўшилиб, икки-учта «қисса» айтиб эшиттиришни хоҳлаб қолади. Ўз ишларида фақат шайтонга эргашадиган одамга мазкур ўтиришга бориш тўғрисидаги хаёл келиши биланоқ шайтон уни осонгина ўша даврага етаклаб бориб, ғийбат қилдиради. Шайтон диний ҳолатида бир озгина нуқсонни бор кишининг нафси билан тортишиб кўради. Шайтон унга ғийбат қилиш васвасасини олиб келса, фаришта унинг қулоғига: «Одамлардан узоқлашиб, бир четда ўтириш яхши», деб насиҳат қилади. Шайтон эса унинг қулоғига: «Нима учун ўзингни қийнайсан, дўстларингдан бирортаси бундай қилмайди-ку», деб пичирлайди. Фаришта унга жавоб ўргатиб: «Уларнинг суҳбатига бориб ўтиришинг турган-битгани зарар, охиратинг учун нуқсон бўлади.

Агар сен ўша мажлисга боришдан ўзингни бир он тийсанг, жаҳаннамга тушишдан сақланасан ҳамда охиратда маза ва роҳатга эришасан. Аксинча, нафсингга тобелик қилиб, дўстларингга қўшилсанг, қиёматда қаттиқ азобга қоласан», дейди. Агар ўша одам ҳушёр ва оқил бўлса, фариштанинг насиҳатини шайтоннинг гапидан афзал санайди ва ғийбат мажлисига бормади. Агар гуноҳларга мубтало бўлиб, доим шайтонга итоат қилиб юрадиган киши бўлса, у ҳолда нафси шайтоннинг сўзига киради. Чунки гуноҳ қилаверган киши яхши гапни ёмон деб ҳисоблайдиган бўлиб қолади.

Шуни билингки, шайтоннинг мисоли итга ўхшайди. Агар у овқат бўлмаган жойга келса, бир марта ҳайдаш билан кетади. Агар ит келган жойда нон ёки бошқа нарса бўлса, уни бир-икки марта ҳайдаш кифоя қилмайди. У ўша нондан умид қилиб тураверади. Уни яхшилаб, уч-тўрт маротаба ҳайдалсагина кетади. Худди шунингдек, кишининг нафси гуноҳлардан пок бўлса, фариштанинг бир-иккита жавобида унинг шайтони қочади. Агар нафси гуноҳга одатланган бўлса, шайтон унга ёлиб келади. Уни ҳайдаб юбориш учун анчагина меҳнат қилишга тўғри келади.

Муолажа. Инсон мажлисни қиздириб, одамларни ғийбат қилаётган дўстларини кўрганда, унинг дилида ҳам ўша мажлисга бориш хоҳиши пайдо бўлса, мазкур мажлисда иштирок этишда ҳеч қандай фойда йўқлиги, аксинча охирати учун зарар борлигини ўйлаши лозим.

Низомий Ганжавий раҳимаҳуллоҳ «Хусрав ва Ширин» достонида шундай дейди:

Зану фарзанду молу давлату зўр,

Ҳама ҳастанд ҳамраҳ то лаби гўр.

Раванд ин ҳамраҳон ғамнок боту,

Наёяд ҳеч кас дар хок боту.

Назмий маъноси:

Хотин, бола-чақа, зўр давлатинг ҳам

Қабринг лабигача бўлгайдир ҳамдам.

Сендан ғамга ботиб қайтадир бари,

Сен билан қолмагай гўрда ҳеч бири!

Насрий баёни: *Аёл, фарзанд, молу давлат ва қувват - буларнинг ҳаммаси гўрнинг лабигача ҳамроҳдир. Бу ҳамроҳлар (гўр лабигача) сен билан ғамгин бўлиб борадилар-у, бироқ ҳеч бири сен билан тупроқ ичига кирмайди.*

Агар кўнглингизга: «Одамлардан ажраб, ибодатга машғул бўлсам, дўстларим мени мутақаббир ёки аҳмоқ ва беақл деб ўйлаши мумкин, шунинг учун бориб, уларга шерик бўлишим керак» деган хаёл келса, нафсингизга: «Дўстларим билан топадиган бир лаҳзалик лаззат эвазига менга қиёматда узоқ муддат азоб бўлиши мумкин. Лаззат оладиган ўша бир соатда мен ўз нафсимни тўхтатиб турсам, маҳшарда улкан савобга эришаман. Чунки бир лаҳзалик лаззат топаман деб, узоқ муддатли

машаққатни бошга юклаб олиш аҳмоқликдир», деб айтинг.

Табиб беморга: «Икки-уч кунгача овқат емасанг, дардингдан қутуласан, акс ҳолда бундан ҳам қаттиқроқ касалликка дучор бўласан», деса, фақат мана шу гапга кўра, касалликдан тезда нажот топиш учун, касаллиги янада кучайиб кетмаслиги учун ўша киши бир неча кун қийинчиликка чидайди. Ваҳоланки, табибнинг гапи рост экани, иш у айтганидек бўлиши аниқ эмас. Ўша бемор табиб айтган овқатларни тарк этса ҳам, саломатлик топмаслиги мумкин. Дунёвий табибнинг гапига шу қадар ишониб, ҳақиқий ва руҳоний табибнинг насиҳатига бепарво бўлиб юрган бизнинг ҳолимизга меҳрибон Аллоҳ раҳм қилсин! Дардимизнинг ҳақиқий табиби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларнинг айбларидан тилини сақлаган кишининг айбларини қиёмат куни Аллоҳ таоло яшириши ҳамда катта жамоат ичида уни шарманда қилмаслигини айтганлар. Шунинг учун бир муддат дўстларига қўшилиб ғийбат қилиш эвазига охират азобини ўзига юклаб олиш ақлли кишиларнинг шаънига лойиқ эмас.

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов